

ЎЗБЕКИСТОНДА МУТОЛАА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ ВА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Раматов Ж.С.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири
+99899 848 45 95

Баратов Р.Ў

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти
+99897 705 90 38

Тухтабоев Э

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчи
+998903481486

Муратова Д

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчи

Бугунги кунда ёшларга замонавий билим асосларини бериш билан бирга уларда бир қатор маънавий қадриятларни онгу-шуурига сингдириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан жамият маънавиятини юксалтиришга асос бўлади.

Айни пайтда республика ҳукумати аҳоли ўртасида китобхонликни оммалаштириш ва тарғиб қилиш, тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни қабул қилишга катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31-декабрда 1059-сон қарори асосида тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” да ёш авлоднинг мустақил ва бахтли ҳаёти учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдан иборат мақсадни амалга оширишда белгиланган чора-тадбирлар мазмунида ёшларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда асосий омил сифатида китобхонлик маданиятини оширишга эътибор қаратилган. Албатта, ушбу чора-тадбирлар ўсиб келаётган ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида тарбия жараёнига янгича тизимли ёндашувни, ёшларда таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, таълим

муассасаси; маҳалла ҳамкорлигининг ижтимоий педагогик имкониятини тўлик юзага чиқариш орқали китобхонлик маданиятини самарадорлигини оширишга олиб келади.

Ушбу жараёнда ёшларни китобхонликка даъват этишда ота-оналарнинг, педагогларнинг шахсий наъмунаси муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада шахсий кутубхоналар ташкил этиш, китобхонлик билан боғлиқ маърифий тадбирлар таъсирчанлиги орқали китоб, илм ва маърифат инсонлар қалбига нур, оиласига зиё, жисмига комиллик бахш этадиган, маънавий борлигини юксалтиришга катта эътибор қаратилди.

Маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокатдир” деган сўзлари бугунги глобаллашув даврида ҳар доимгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, энди савол туғилади? Қандай қилиб биз халқимизни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида китобхон халқ сифатида дунёга танитиш мумкин? Қандай қилиб бугунги ёшларни китобга ошно, илм-маърифатли қилиб тарбиялаш мумкин? Бу каби саволларнинг ечими Кайковуснинг “Қобуснома” асаридаги панд-насихатларида ўз ифодасини топган. Асарда шундай дейди, “Илмни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил. Соҳибни тамкин ва ҳаракатчан бўлғил, кеч ётғил ва эрта турғил, китоб ва дарсга берилғил, ишдин қайғули бўлмағил, ҳифз этғил, такрор қилғил, ростгўй бўлғил, китоб, қалам, қаламтарош ва бунга ўхшаш нарсаларни ҳамиша ёнингда сақлағил, булардин ўзга нарсани ёдингга асло келтурмағил. Оз сўзлағил ва узоқни ўйлағил. Чунки ҳар бир толиби илм агар бу сифатда бўлса, тез фурсатда замоннинг ягона кишиси бўлур”¹. Ушбу эзгу мақсадларга эришиш учун тинимсиз билим эгаллаш, савияли китобларни ўқиш ва яхши устозларга эргашиш кифоя.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб – ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳамиша долзарб масала ҳисобланади.”²

“Болаларни китобга ўргатиш керак, деб ёзади ёзувчи Саид Аҳмад, - токи улар ишчи кучи бўлиб эмас, онгли, катта жамиятнинг билагон аъзолари бўлиб етишсинлар. Уларнинг ҳозирги туриш-турмуши фақат жисмоний меҳнатдан бошқага ярамайдиган қилиб қўяди”.³ Шу сабабли ҳар бир болани билимли, дунёқараши кенг ва замонавий касб-ҳунар эгалари бўлиб етишишлари учун китобхон қилиб тарбиялашни талаб этади.

Китоб болалар маънавий дунёқараши шаклланишида катта аҳамиятга эга. Ижодий қобилият уйғонишида ҳам адабий китобларнинг ўрни беқиёс. Шу

¹ Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. 131-132 – бет.

² Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: – “Ўзбекистон” – 2019. 189 – бет.

³ Said Ahmad. Jimjitlik: Roman. – Т.: “O‘zbekiston”, 2008. 146-bet.

боисдан кишининг китобга бўлган қизиқишини болалигиданоқ шакллантириш яхши самара беради. “Кунларнинг бирида Алберт Эйнштейндан болаларни қандай қилиб ақллироқ қилишимиз мумкинлиги ҳақида сўрашибти. Унинг донишмандларча жавоби жуда жўн бўлибди. *Фарзандларингиз ақлли бўлишини истасангиз, уларга эртак ўқиб беринг. Улар янада ақлли бўлишини истасангиз уларга янада кўпроқ эртак ўқиб беринг,* - дебди у. У мутолаа ва ўйлашнинг аҳамиятини жуда яхши биларди. Ўсмир ёшдаги болаларда фантазияли дунёқараш, образли тафакр ва мантикий фикр юритишни айнан эртак ривоятлар, китобхонлик шакллантиради. Китоб мутолаасида бола эртак қаҳрамони, романдаги образларга ўзини кўйиб кўриб, илк муҳаббат, севги деган туйғуни ўзининг шууридан ўтказиб кўради. Демак, ҳаётдаги ахлоқий-эстетик туйғу, қадриятларга ҳурмат ёки ҳурматсизлик мутолаа маданиятини юксаклиги ёки одмилашишига, ёшларда бадий маданият савиясини юқорилилиги ёки пасайиши сингари омилларга бориб тақалар экан.⁴

Халқимизда “таълим ва тарбия бешикдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл – заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир”!

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”,⁵ - деб таъкидлайди Президент Ш.М.Мирзиёев.

Албатта, ҳозирги вақтда ахборот – коммуникация соҳаси шиддат билан ривожланмоқда, телевидение, радио, интернет, компьютер, мобил телефон кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олмоқда. Биз ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, мамлакатимизда аҳолининг айниқса ёшларнинг онгу – шуурида бугуннинг тили билан айтилаётган “модернизация”, “инновация”ларнинг қувват чироғи – китоб ва уни ўқишга бўлган қизиқишини кучайтириш, китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, таълим – тарбия муассасалари, орган ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларида шу масала бўйича турли танлов, фестивал ва акциялар, китоб байрамларини ташкил этишимиз керак.

⁴ Самадов А.Р, Қодирова Г.М. Ёшларда бадий маданият ва эстетик иммунитетни шакллантириш масалалари. СамДУ Илмий ахборотномаси 2019 – йил, 2 – сон. 43 – бет.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон халқига мурожаатнома. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил, 25 январ.

Мавжуд ахборот – ресурс марказларини бойитиш, кутубхоналар йўқ жойларда уларни ташкил этишимиз лозим. Ота – боболаримиздан қолган яхши анъаналарни давом эттириб, навоийхонлик, бубурхонлик, машрабхонлик кечалари ўтказсак, керак бўлса, бадий асарларни телевидение орқали ўқитишни йўлга қўйсак⁶. Энг муҳими, фарзандларимизни ёшлик чоғидан китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантириш, бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор”⁷, - деган эди.

Китобни азиз деб билиш, уни авайлаб асраш муқаддас қадриятларимиздан биридир. Аждодлардан авлодларга кўчиб, яна сайқал топиб бораётган бу қутлуғ қадрият одамларда китобга, китобга бўлган меҳр – муҳаббатнинг мустаҳкам бўлишига пухта замин яратиш келмоқда. Хусусан, оммавий китобхонликка халқимиз асрлар давомида қадрият даражасида қараб келган. Умумбашарий нодир асарлар оммавий китобхонлик давраларида ўқилган. Улардаги панд-насихат қуруқдан-қуруқ баён этилмаган, албатта. Бадий ғоя қизиқарли сюжетлар орқали ифодаланган. “Қутадғу билиг”, “Девони ҳикмат”, “Гулистон”, “Бўстон”, “Маснавийи маънавий”, “Махбу-бул қулуб”, “Ҳайрат ул-Аброр”, “Чор дарвеш”, “Калила ва Димна”, “Иброҳим Адҳам”, “Қиссаи Машраб”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” ва бошқа ўнлаб асарлар тарбияга хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам қатор адибларимизнинг асарлари бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Ёзувчи Хайридин Султон шундай дейди: Мен “Ўтган кунлар” билан “Меҳробдан чаён”ни қайта – қайта мутолаа қилиб, улардан чексиз маънолар топган кезларимда бу асарларни, энг аввало, андиша билан битилган китоблар, деб айтгим келади. Бу андиша ўлмас санъаткорларимизнинг ижодий эътиқодидан – яъниким, “Ёзганинг ўзингни йиғлатиб – кулдирмаса, ўзгани йиғлатмас – кулдирмас” деган бадий ақидасидан келиб чиқади. Андиша, уят, ор – номус, виждон тушунчалари Қодирий романларининг маънавий устунидир.⁸ Зеро, “Ўтган кунлар” романидаги асосий қаҳрамонларнинг ҳатти – ҳаракатлари, гап сўзлари ва мутолаа маданиятидаги назокат, миллий жозиба халқимиз миллий менталитетига ёрқин мисол бўлишидан ташқари, ёшларнинг эстетик маданиятини шаклланиши ва ривожланишида жуда катта ўрнатимсоли бўлиб хизмат қилади. Унинг бу романидаги “Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас” деб айтилган сўзларда олам – олам маъно ва қадриятларимиз мужассам бўлган.⁹ Демак, китобхон бадий адабиётлардан ахлоқий маънавий қадриятларимизни ва

⁶ Мирзиёев Ш.М. Мамлакатимизнинг жавоҳир хазинаси// Унинг ўзи. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.114

⁷ Мирзиёев Ш.М. Тошкент – барчамиз учун онадек улғу ва мўътабардир// Унинг ўзи. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.469

⁸ Хайридин Султон. Ҳақиқат жамоли. Тошкент “Mashhur – press” 2019. 95-бет.

⁹ Ғайбуллаев О.М. Эстетик маданият. Монография. – Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2020. –Б.192

тарбиянинг юксак мезонлари асосида комиллик даражаси онгу – тафаккурини шакллантириб, маънавий борлигини эгаллаб боради.

Қолаверса, ўқувчиларни кўпроқ бадий адабиётлар мутолаа қилишига ўргатиш лозим. Чунки “Адабиёт киши руҳиятини тарбиялайдиган, келгуси воқеаларга олдиндан тайёрлайдиган, гоҳида ҳандон кулдириб, гоҳида йиғлатадиган, турли асарлардаги танимаган инсонларингизга сизни дўст қилиб кўядиган беқиёс куч. Ҳар бир қалам тебратадиган ижодкор ана шу кучнинг таъсирини, моҳиятини англаб етган ҳолда ижод қилса, мутолаага ошuftа қалбларнинг сони ҳам ўз-ўзидан кўпаяди”.¹⁰

Шу билан бирга, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғат – ит турк”, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”, Носириддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қатор асарларида китобхонликка оид қимматли маълумотлар берилган. Китобхонлик адабиётшунослик ва таълим тарбиянинг муштарак ҳамда муҳим соҳаси сифатида аҳамиятга моликдир.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таъбири билан айтганда, “Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир”¹¹ Шу маънода китоблар маънавий қадрият ва миллий ўзлигимизни тарғиб этишга хизмат қилиши айни муддаодир.

Бу борада, халқимизда китобхонлик борасидаги маънавий қадриятларимиз замонлар оша ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу ўринда, шох ва шоир З.М.Бобурнинг фарзанд тарбияси, китобсеварлиги хусусида битилган ҳаётини ўғитларига тўхталиб ўтамиз. Бизга маълумки, З.М.Бобур қалбини тўлдирган оталик туйғуси битилган “Мубаййин” номли шеърий китобини Ҳумоюнга тақдим қилади. Шунда, “Ҳумоюн шу вақтгача отасидан олган совғалар орасида энг улкани ва бебаҳоси – мана шу шеърий китоб эканини сезиб, уни қайта – қайта кўзларига суради...”¹² . Энг муҳими, унинг отасига бўлган меҳри, ихлоси шу китоб туфайли янги бир куч билан ўсиб боради.

Қолаверса, З.М.Бобур ўзининг ўсмирлик йилларидан бошлаб умрининг сўнгги кунларида ёзиб тугатган “Вақоий” номли китобини Ҳумоюннинг қўлига тутказиб, шундай дейди, “Буни авлодларинг ҳам ўқисин. Хатоларимни такрор этманглар. Яхши ишларим... оз бўлса, кўпайтиринглар. Бу китобдан нусхалар кўчиртириб, Самарқандга... Тошкентга... Андижонга... муносиб одамларга

¹⁰ Ёрқинжон Ҳайитбоев “Адабиёт руҳият табибидир”.. “Оила ва жамият”, № 9 (1461). 2020 йил 4 март, 4-бет.

¹¹ Амир Темур. Темур тузуклари – Т.: “Ўзбекистон”, 2019 – Б.179

¹² Pirimqul Qodirov. Yulduzli tunlar (Bobur). Roman. /“Asr oshgan asarlar” turkumi// - Т.: “Sharq”, 2009. 419-бет.

юборгин... Мен туғилган юрт билан алоқани узманглар. Шояд мен битган китоблар... икки орадаги алоқанинг ришталари бўлса...”¹³

Бундай тарихий романлар воқеликдан мантиқ излайди. Фикримизча, бундай тарихий воқелик инсон, инсоният ўтмиши, бугуни ва истикболи хусусида фикр юритади. Киши мутолаа жараёнида ўтмишдаги воқеалар ривожининг муайян йўллари аниқлаш асносида тегишли хулосалар чиқаради, ижодий тажрибаларни келажакда давом эттиришга интилади.

Шу боис, халқимиз азалдан китобни қадрлайди. Замонавий илм-фанда мутолаа тушунчаси орқали нафақат китоб ёки бошка нашр махсулотларини ўқиш жараёнини, шунингдек, турли ахборот манбаларидан ахборотни ўзлаштириш жараёнлари ҳам англамоқда. Бу нуктаи назардан олиб қараганда, ўзбек халқида мутолаага интилиш доимо юқори бўлиб келган дейиш мумкин. Чунки, аҳолининг саводхонлик даражаси анча паст бўлган даврларда ҳам, одамларнинг бир жойга тўпланиб, турли китобларни биргаликда ўқиш, ёддан шеърхонлик, ғазалхонлик ёки маснавийхонлик, дostonхонлик кечалари, бахрубайт айтишувлари уюштириб турганликларини ўзига хос мутолаа жараёни дейиш мумкин.¹⁴ Энг асосийси, бугун юртимизда ёшларимизнинг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида кенг имконият ва қулайликлар яратилган. Булардан оқилона фойдаланиш, фарзандларимиз ва набираларимизни буюк боболаримизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, мамлакатимизнинг том маънода, китобхонлар юртига айланишига ҳисса қўшиш олдимизда турган энг долзарб масалалардан биридир.

Президент Ш.М.Мирзиёев ёшларга миллатини, тарихини, қаердан келатганию қай манзил сари кетаётганини билмоғи, англамоғи учун ҳам, халқининг, Ватанининг шаъну шавкати биланд кўтариб, буюк боболари номига лойиқ ва муносиб фарзанд бўлиб камол топтомоғи учун ҳам “Китоб ўқинг”, деяпти. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларини, ота – оналарни ёшларнинг қалбида китобсеварлик туйғусини уйғотиш, уларни мутолаа маданиятига ўргатиш масаласига жиддий эътибор қаратишга, бунинг учун шароит яратиб беришга ундаяпти.

“Агар сиз фарзандингизга данғиллама уй қуриб берсангиз – вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз – уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз – уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқолмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва ҳунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, нимадан олиш мумкин?”

¹³ Ўша асар. 539-бет.

¹⁴ Abdulvohid Abdulazizov. Mutolaa madaniyatini shakllantirishning sosiologik tahlili. Monografiya. Toshkent -2016. 157-бет.

Аввало, китоб деган хазинадан”.¹⁵ Президентимизнинг бу сўзлари эртаси куниёк мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида, энг чекка худудларгача аҳолининг барча қатлами орасида ёйилиб тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда, бу муҳим вазифани амалга оширишда оила китобхонлигини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Зеро, ўзбек оиласи ёш авлодни китоб воситасида тарбиялашда ўзига хос миллий тажрибага эга.

Шундай экан, китоб ўқиш, халқимизни илм эгаллашларида, ёш авлод тарбиясида китобхонликни кенг тарғиб этишда китоб – гносеологик қувват манбаи эканлигини онгу тафаккурига сингдириш керак. Қанчалик кўп китоб ўқиса, илм қуввати унга шунчалик кўп юкланиб бораверади. Зеро, дунёни ангалаш ва тушуниш, олам ранг-баранглигини ва бутун моҳиятини идрок этишнинг асосий воситаси ҳам китобдир.

Муфтий ҳазрат Маҳмудхўжа Беҳбудий миллат келажаги ҳақида қайғуриб фикр юритар эканлар, “Дунё турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур”¹⁶ деб таъкидлаган эдилар. Зеро, Суқрот ҳақим демишларким, “фақат бир эзгулик бор – билим, ва фақат бир ёмонлик бор – жаҳолат”. Нажот эса бир – Бухорий ҳазратлари ёзганларидай, “дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”. Қай миллат олам аро улуғликни истабди, илм йўлини истамоғи даркор. Дунё неча минг йиллардан бери илмсиз одамнинг улуғланганини кўргани йўқ.¹⁷

Шундай экан, олам сир – асрорларини билиш, нодонликдан, жоҳилликдан нафратланиш, илм олишдан маънавий лаззатланиш, илм аҳлини эъзозлаш, уларни хайрли ишларда ҳар томонлама қўллаб –қувватлаш, улар иқтидорини Оллоҳнинг буюк инъоми ва неъматини, деб билиш барча фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи лозим.

Умуман айтганда, ҳар бир инсоннинг ҳаётида мутолаа маънавий кадриятлар ва таълим – тарбия негизида онгу тафаккурига сингиб боради. Инсон китобга сингиб борар экан, у ҳақдаги тасаввурлари ҳам кенгайиб, тиниклашиб бораверади.

Айниқса, болалигидан китобга меҳр қўйган инсон учун мутолаа кундалик эҳтиёжга айланади. Одам сув ва ҳавосиз яшолмаганидек, китоб ўқимасдан туролмайдиган бўлади. Мутолаага ташна одам учун китобнинг хуморини бошқа ҳеч нарса босолмайди.

Китобни жону дилидан севган олим деярли барча вилоятлардаги катта-кичик китоб дўконларини яхши билган. Қисқача айтганда, китоб Озод Шарафиддиновга сув ва ҳаводек зарур азиз неъмат бўлган. Китоб мўжизаси ўз соҳасига доир кенг ва

¹⁵ Mirziyoyev Sh.M. Niyati ulug' xalqning ishi ham ulug', hayoti yorug' va kelajagi farovon bo'ladi. T – “O'zbekiston” – 2019. 29-bet.

¹⁶ Тоҳир Малик. Танланган асарлар: Ён тўртинчи жилд. “Ҳаёт қайиғи”. Биринчи китоб: мақсад на эди ... – Т.: “Sharq”, 2019. 524-бет.

¹⁷ Ўша манба. - 524-бет.

чуқур билим эгаллашга, узоқ ва яқин соҳалардан хабардорликка сабаб бўлган бўлса, табиатидаги сахийлик ва ҳалоллик, мардлигу олижаноблиги, гап – сўзидаги адолат ҳис-туйғуси суҳбату чиқишларига мафтун қилувчи жозиба ва латофат ато этган.

Китобсевар Озод Шарафиддиновнинг ана шундай ибратли ҳаёти, фикрлаш уфқларининг кенглиги ҳамда илм маърифатга, китобхонликка бўлган қизиқиши нафақат ёшларни балки, бутун халқимиз учун ўрнак бўлиб ҳаётини заруриятга айланмоғи лозим.

REFERENCES:

1. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. 131-132 – бет.
2. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Т.: – “Ўзбекистон” – 2019. 189 – бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш, юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент.:Ўзбекистон, 2017. – Б. 25.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сиссиясидаги нутқи. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти, <http://www.president.uz/uz/lists/view/>. //
5. А.Г.Муминов. Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислоҳотлар. –Тошкент.: «Akademiya», 2010. – 193 б.
6. Жуманиёз Султанович Раматов (2021). БАҲАМОЛ ВА СОҒЛОМ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ ПОЙДЕВОРИ. Academic research in educational sciences, 2 (2), 225-229. doi: 10.24411/2181-1385-2021-00187
7. Миршод Нўмонович Хасанов (2022) АБУ НАСР ФОРОбийнинг инсонни ахлоқий камолоти тўғрисидаги қарашлари шаклланишининг ижтимоий-тарихий манбалари. Academic Research in Educational Sciences, 3 (6), 776-784.
8. Gafurovna, A. S., & Juraevna, N. N. (2022). Issues of Formation of Information and Internet Culture at Young People. International Journal of Development and Public Policy, 2(6), 27-30.
9. Ж. С. Раматов, & М. Н. Хасанов (2022). АБУ НАСР ФОРОбийнинг жаҳон илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 648-653.
10. М. Н. Хасанов, С. У. Бошмонов, & Т. О. Жонибеков (2022). АБУ НАСР ФОРОбийнинг илм-фанлар таснифида ахлоқий ва диний қарашларининг таҳлили. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 608-613.
11. Rashid Usarovich Baratov, & Nilufar Jo.,Rayevna Nazarova (2022). YOSHLAR HAYOTIY STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISHDA TA'LIMNING O'RNI. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 830-833.
12. Тохир Малик. Танланган асарлар: Ўн тўртинчи жилд. “Ҳаёт қайиғи”. Биринчи китоб: мақсад на эди ... – Т.: “Sharq”, 2019. 524-бет.10